Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

4

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор
Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Ғулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

• УШБУ СОНДА •

Октябрь-70



Анатолий ИВАНОВ

МАНГУ ДАЪВАТ

Романдан боблар

Социалистик жамиятни барпо этиш тарихида ҳеч қачон осойишта, енгил давр бўлмаган. Янги жамият қураётган совет кишиларининг барча авлоди ўт кечиб, курашиб бахтга эришган.

Шеърият



Жуманиёз ЖАББОРОВ

ҲАЁТ — ОҚИБ ЁТГАН БУЮК БИР ДАРЁ

Одамлар! Сиз кўпсиз, аммо тасаввур
Менга яқин этар ҳар биттангизни.
Сиздан мен томонга оққан майин нур
Акс этур қалбингиз, орбитангизни.

Наср



Анвар ОБИДЖОН

ЯЛТИРОҚ ТУГМА

Қисса-ҳангома

— Мен сизга айтсам, тасаддуқ, автобусда текин юришнинг ўн еттита усули бор, — олимона гердайиб маълум қилди Бек Бўриевич. — Ҳозиргача кашф этилгани шу...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олим Отахонов

«БОРСА КЕЛМАС»ДАГИ ХАЗИНА

(Ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ҳақида мулоҳазалар)

... бундай ҳикоялар менинг ватаним тугул, ҳали бутун Лотин Америкасида ҳам ёзилмаган эди. Борлари эса...
Хулио Кортасар

... буни ошкора айтиш менимча жасорат эмас, чунки барибир эртами-кеч ҳаммаси аён бўлади.
Жон Олдриж

Таллиннинг «Ээсти Раамаат» нашриётида нашр қилинган «Навқирон эстон прозаси» деган тўплам қўлимга тушиб қолди. Китобда жамланган ҳикояларни ўқиб чиқдим. Қизиғи шундаки, тўпламдаги айрим ҳикояларни қайта ўқиганимда ҳам қизиқишим сусаймади. Азбаройи тушунмаганимдан эмас, балки ғайри оддийлиги ва биз кўникиб қолган одатдаги ҳикоялардан кескин фарқланиши билан мени ҳаяжонга солди. Бу ҳикояларда реал воқеаларнинг ғайри табиий тарзда тасвирланганидан, дастлаб одам гап нимадалигини англамай қолар эди: йигит билан қизнинг бир-бирига бўлган руҳий муҳаббати туфайли ҳам фарзанднинг дунёга келиши, мурдаларнинг кўчада санқиб юриши, дилбар аёллар ўз ёлғизлигини яшириш учун истироҳат боғидан гўзал оққушларни ўғирлашлари... Аммо тўпламдаги барча ҳикояларда айнан, бугунги кун воқеалари, замондошларимизнинг ўй-хаёллари, ўзаро муносабатлари акс этганки, бирдан тушунмадим, тушунмай қолдим, деган гапни айтишдан истиҳола қиласан. Назарингда уларда бир маъно яширингандек туюлади. Бинобарин, эстон ёзувчиси Владимир Бээкман «Давр билан ҳамқадам» номли мақоласида эстон прозасига хос изланувчанлик ёзувчиларнинг ҳаётни кенгроқ, инсон қалбини эса чуқурроқ акс эттириш мақсадида янги шакллар излаётганлиги ҳақида фикр юрита туриб: «Алмисоқдан қолган жанр принциплари ичида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Прозамиз, хилма-хил психологик тасаввурларнинг кўпайгани ва фалсафий теранлик касб этгани учун янги юксакликларга кўтарилди. Ғоявий мазмун масалаларини шаклнинг мураккаб проблемалари билан органик бирликда олган ҳолда тадқиқ этиш кўпчилик носирларимиз ижодининг характерли хусусиятларига айланди», — деб бежиз ёзмади.

Чиндан мазкур тўпламдаги ҳикоялар бугунги эстон прозасининг, айниқса, кичик жанрнинг даққиюнусдан қолган принциплари ичидаги «экспериментал характердан», унда юз бераётган кескин ўзгаришлардан дарак беради. Бу ҳикоялар муаллиф илгари сураётган ғоя, фикрнинг тўлақонли ифода этилиши учун киноя, афсона билан қоришиб кетганлиги билан ҳам ажралиб туради. Ундан ташқари, ўша ҳикояларни ўзлаштириш учун маълум тайёргарлик керак: бу ҳикоялар диққат-эътиборни йиғиб, ижодий ёндашган ҳолда мутолаа қилмоқни талаб этади. Акс ҳолда, йигит нигоҳидан ҳомиладор бўлган аёл тақдири, мурданинг тобутда тинч ётиш ўрнига пиво ичиб шаҳар кезишлари сингари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғайри табиий воқеаларга дуч келиб, дабдурустдан фикр билдираман деб қовун тушириб қўйиш мумкин.

Тўпламдаги Арво Валтоннинг «Мустаэмчасига севиш» ҳамда Яан Круусвалнинг «Марҳум» деган ҳикоялари шу маънода айниқса «шубҳалироқдир».

Микхель исмли йигит хотини билан ажрашиб уйдан бош олиб чиқиб кетади ва чиройли Мойра исмли қизга қўшни уйга кўчиб ўтади. Одати бўйича ҳар куни гоҳ деразадан, гоҳ пешайвондан теварак-атрофни томоша қилишга ҳавасманд Мойра, кунлардан бир кун қаршисидаги уй деразаси ёнида турган «ғамгин ва маъюс нотаниш» йигитни кўриб қолади. Йигит ҳам пешайвондаги хушқомат қизни, унинг ўтли нигоҳини пайқайди.

Бу икки инсон — қариқиз Мойра билан бева Микхель фақат нигоҳ туфайлигина фарзанд кўрадилар.

Яан Круусвалнинг «Марҳум» ҳикоясида тоғ йўлида фалокат рўй бериб машиналар тўқнашиб, уларнинг биридаги тобут ағдарилиб ерга тушади. Тобутнинг қопқоғи очилиб кетиб... мурда ўрнидан туради ва беҳуш ётган одамлардан бирининг кийимларини кийиб олади, сўнгра шаҳарга бориб нотаниш бир киши билан роса мириқиб пиво ичади, ўлим ҳақида «алжирайди», мулоҳаза юритади. Ниҳоят, яна сандироқлаб юра-юра фалокат юз берган ерга қайтиб келади. Келса, одамлар у қолиб бошқа бировни тобутга жойлаяпти. Собиқ, мурда нима қиларини билмай қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳикоядаги символика (мажоз) автор ниятини кенгроқ ва чуқурроқ очиб беришга ёрдам бергани ҳақида изоҳ бериш ортиқча.

Менинг муддаом бу ҳикояни изчил таҳлил қилиш эмас, балки эстон прозасида юз бераётган мураккаб ва жиддий ўзгаришларни эслатиш эди, холос. Бу асарлардаги фавқулоддалик, яъни воқеликнинг тасаввурга бўйсундирилиши туфайли рўй берган фантастик ҳодисалар (нигоҳ туфайли бола туғилиши, мурданинг тирилиши) ҳикоянинг асосини ташкил этибгина қолмай, балки унга алоҳида маънодорлик бахш этади ва китобхоннинг чуқурроқ, атрофлича мулоҳаза юритиши учун замин яратади. Эстон ёзувчиларининг ҳикоялари жамланган бу тўплам иттифоқ миқёсида шуҳрат қозонди, баҳслар, мунозараларга сабаб бўлди. «Литературное обозрение», «Новый мир», «Дружба народов», «Аврора» сингари журналларда мазкур тўплам хусусида кетма-кет қизғин, баъзан субъектив мақолалар эълон қилинди. «Талай қарама-қарши, зиддиятли фикрлар уйғотган бу ҳикоялар эстон прозасини лабораториячиликка олиб бормасмикин» (Н. Кришук) деган ташвишлар туғдирганига қарамай, умумиттифоқ адабиётининг кейинги ўн йил ичида эришган ютуқларидан, деб тан олинди.

Мен китобхон сифатида ҳикояларнинг ўзи тугул, ҳатто, мана шу тўплам теварагидаги мунозараларнинг ўзидан ҳам кўп нарса олдим. Аввало, энг асосийси, ҳар бир миллий адабиёт ичида ижобий маънода кескин ўзгаришлар қилишга зарур шарт-шароит, замин ҳозирлаш адабиётни бойитувчи муҳим омиллардан бири эканини, бугунги мураккаб ижтимоий-тарихий жараёнда инсон руҳининг теран қатламларини янада изчил тасвирлай олиш имконияти туғилишини, адабиётнинг ривожи учун жиддий янгиланиш зарурати етилганини англадим. Бундан ташқари ўзбек прозаси, хусусан, ҳикоячилигида бундай изланишлар суст кечаётганлиги, кейинги пайтларда одам қалбини ларзага соладиган ёки ўзбек адабиётининг обрўсини Абдулла Қаҳҳор асарларидек юксакликка кўтара оладиган ҳикоялар камлигини яна ҳам аниқроқ ҳис қилдим.

Шунда беихтиёр, нега бизда шундай ҳикоялар йўқ ва нега жон-жаҳдимиз билан алмисоқдан қолган анъаналарга ёпишиб олганмиз, нега ҳозирги ўзбек адибларининг асарлари юқорида тилга олинган ҳикоялар каби Иттифоқ миқёсида турли-туман, майли, қарама-қарши мунозаралар, тортишувлар объектига айланмайди, деган андишали хаёл кўнглимдан кечди.

Чиндан ҳам нима учун?

Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. Бизда ҳайбаракаллачилик кучли. Акс ҳолда ўзбек прозасида жиддий, фундаментал характердаги изланишлар камлигига қарамай, умумий-мавҳум ёки аслида ҳақиқий, новатор ижодкорга нисбатан айтилса ярашадиган сифатларга ружу қўйилармиди? Бу мунаққиду адабиётшуносларнинг ҳайратланиш даражаси бамисоли хитой қоғозидан ясалган паррак, «уҳ» деса ҳаракатга келиб тинмай айланаверади. Ҳатто, баъзи тажрибали адиблар ҳам талабни кучайтириш ўрнига эндигина дастлабки асарларини эълон қилаётган ёзувчиларга нисбатан «туғма истеъдод эгаси» қабилида ёзишдан истиҳола қилмаяптилар. Ахир Достоевский, Толстой, Гаршин, Булгаков, Платонов, Шолохов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорларга ҳам тириклигида бундай сифат берилмаган.

Бизда маҳаллий «шедеврлар» кўпайиб кетди. Бу ҳам етмагандек ҳикояларнинг кўпи бир-бирига ўхшаш. Нега бизда ҳикояларнинг тури оз, нега шаклга кам эътибор берамиз, нега жанрга ўзгача талаблар билан ёндашмаймиз?

Мен анъанавий услубларга эмас, балки анъаналарга кўра-кўрона ёпишиб олиш, унинг қурбонига айланишга қаршиман. Менимча, яна такрорлайман, кичик жанр имкониятларини тўла-тўкис синаб кўриш пайти келди. Энди реал воқеаларнинг пинҳоний ва жозибадор қатламларини кашф этиш, замондошларимизнинг безовта, қарама-қарши хаёллари, психологиясида рўй бераётган кўзга кўринмас силжишлар, кечинмаларни ифодалаш учун янгича тасвирий воситалар ва имкониятлар — янги бадиий «микроскоп» ихтиро этиш, жаҳон адабиётида аллақачон ихтиро этилиб, нима сабабдандир ўзбек прозасини шу вақтгача четлаб келаётган турли-туман бадиий воситаларни ихтиёр этиш заруратга айланди. Шаклга кўпроқ қизиқиш янги формалар, янгича қурилмаларни кашф этишга олиб боради. Чунки образли қилиб айтганда, шакл баайни скафандрдек гап, унинг кўмагида инсон руҳининг чуқур қатламларига тушиш ва энг нозик ўзгаришларни сезиш мумкин: анъанавий ҳикоя қилиш тарзини ўзгартиришга қилинаётган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш яхши натижалар беради.

Бугун анъаналарни суистъемол қилиш ижодкорни янги йўллар кашф этишдан чегаралаб қўяди. У ҳамиша бир хилда ёзишга маҳкум бўлиб қолганини ўзи сезмайди. Ижодкор тугул ҳар бир одам умри давомида ўз ижодий ички имкониятини тўла сафарбар қилишга ҳақли ва мажбур. Айтайлик, бизда нисбатан, дуруст ҳикоялар бор, оз бўлса ҳам бундай ҳикоялар пайдо бўлаяпти — бу факт. Шукур Холмирзаевнинг «От эгаси», «Бодом қишда гуллади», «Омон мерган», «Кимсасиз ҳовли», Эркин Аъзамовнинг «Энг кучли одам», «Довон», «Анойининг жайдари олмаси», Хайриддин Султоновнинг тарихий мавзудаги баъзи ҳикоялари, Шаҳодат Исахонованинг «Катта А, кичик а», Қамчибек Кенжанинг «Балиқ ови» сингари ҳикоялари мана шулар сирасига мансуб дейлик. Бу — адабий жамоатчиликнинг фикри. Умарали Норматовнинг «Кичик мўъжизалар» номли ҳикоячиликка бағишланган туркум мақолалари, Норбой Худойберганов, Иброҳим Ғафуровнинг баъзи мақолаларида юқорида санаб ўтилган ҳикоялар ҳақида ижобий фикрлар билдирилганлиги фикримни далиллайди. Бу ёши, қарашлари билан бир-биридан фарқ қилувчи ёзувчиларнинг турли даражадаги ҳикоялари, айтиш мумкинки, 70-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг биринчи ярмидаги ўзбек ҳикоячилигининг қиёфасини белгилайди.

Афсуски, мана шу ҳикояларнинг кўпчилиги баён қилиш тарзи бўйича бир хил — нусхадан кўчирилган нусхадек таассурот уйғотади, ҳатто буларни бир муаллиф ёзгандек туюлади.

Хайриддин Султоновнинг «Томоша» номли дурустгина туюладиган ҳикоясидаги бир иллатни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу деярли ҳаммамизга хос умумий иллат. Ҳикояда Саид исмли виолончель чалувчи йигит отасидан «тез етиб кел» деган телеграмма оладию қишлоққа боришга мажбур бўлади. Саид хаёлан қишлоққа борганда дуч келадиган манзарани кўз олдига келтиради. Кейин Лилия исмли қиз билан телефонда гаплашади, сўнгра поездга ўтириб жўнайди. Ана шунда ёзувчи, Саиднинг 28 йил бурун Мирзачўлдаги қишлоқлардан бирида туғилгани, отаси уни пойтахтга музика мактабига ўқишга бергани, онасининг вафот этгани, отаси бошқа уйланганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

баён қилиб беради, яна ҳам тўғрироғи, шу ҳақда маълумот беради. Агар ҳикоя ҳар қанча яхши ва юксак савияда ёзилган бўлганда ҳам мана шу қисми янги куйлакка солинган ямоқ сингари таъбингизни хира қиларди. Нега шундай? Менимча, бу бизнинг адабий кўникмаларимизга ўрнашиб қолган ва томир ёйган иллат — шаблоннинг таъсири. Биз шулар билан озиқланиб адабиётга кириб келганмиз. Бундай ҳикоялар ҳар қанча пухта ёзилгани билан барибир одам ўқиб роҳат қилмайди, — худди сандиқда узоқ ётгандай эскилик иси келиб туради. Бугунги ўзбек ҳикоячилигининг ютуқлари деб тилга олинган асарлар орасида Чингиз Айтматов орзу қилган «Ўқиган одамни кечаси билан ухлатмайдиган» ҳикоя тополмайсан. Негаки, янгича анъаналар тажрибаси қир ошиб кетган бир пайтда биз энди-энди эксперимент, новаторлик ҳақида пешонани тириштириб, баҳслашиб ўтирибмиз. Масалан, тўғридан-тўғри «Н. Қобулнинг асарлари ўзбек прозасида воқеа бўлди» деб ёзилди. Аммо қани ўша воқеа бўлган асар? Нурали Қобулнинг қайси асари янгилик? Ўша-ўша эски, даққиюнусдан қолган воқеабандликдан бошқа нарса эмас. Бу асарлар ҳар қанча яхши дейилгани билан қарама-қарши мунозаралар, баҳслар қўзғамайди. Ҳақиқий санъат асарлари эса ҳамма замонларда ҳам илғор ғоялар туғилишига, баҳсларга сабаб бўлган.

Масалан, Шукур Холмирзаевнинг «Кимсасиз ҳовли» сарлавҳали ҳикоясини олайлик. Уни мунаққид Иброҳим Ғафуров чуқур таҳлил қилиб, «ҳикоя ҳаромга, маънавий разолатга қарши даҳшатли айбнома» сифатида талқин этади.

Бу фикрга қўшилмай иложингиз йўқ, бироқ ҳикояни қайта ўқиб чиқинг-чи, Иброҳим Ғафуровдан ўзгачароқ талқинни таклиф этиш ёки у билан мунозарага киришиш учун бирон янги фикр уйғотармикин? Шахсан мен ҳикояни икки-уч қайта ўқидим. Аммо бошқачароқ, мана бундай — бундай тушундим, дейиш учун бир эътироз тополмадим. Сабабми? Сабаби, ҳикоянинг ўзи бундай қарама-қарши мунозарали талқинларга туртки бермайди. Таъбир жоиз бўлса, уни «бир фикрли ҳикоя» дейиш мумкин. Қолаверса, Иброҳим Ғафуров бу ҳикояни яхши, чуқур англаган ҳолда таҳлил қилиб, мазкур ҳикоя ҳақидаги мулоҳазалар дафтарини ёпган.

Ваҳоланки, том маънодаги ҳақиқий бадиий асарлар, қайси жанрда ёзилганлигидан қатъий назар, турли-туман фикрлар қўзғаши, кучли мунозараларга сабаб бўлиши, хилма-хил таҳлилларга изн беражагини адабиёт тарихидан яхши биламиз. Аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасарнинг «Ишғол қилинган уй» номли ҳикояси ёзилганига ўттиз йилдан ошди. Икки варақ ҳам келмайдиган бу ҳикояда одамлардан йирокда, ҳеч кимга қўшилмай, ота-оналаридан мерос қолган данғиллама уйда тинч-тотув яшаётган ака-сингилнинг ҳаёти қаламга олинади. Улар жуда аҳил, тотув яшайдилар. Ўқимишли, ўз қарашларига эга бу одамларнинг кундалик ташвишлари нонушта қилиш, тушлик тайёрлаш, китоб ўқишу кийим-кечак тўқишдан иборат, холос. Муаллиф уларнинг хатти-ҳаракатларини холисанлилло, совуққонлик билан тасвирлайдики, гўё ака-сингилнинг бу тахлит турмушини ҳеч қандай куч издан чиқариб юборолмайдигандек туюлади. Бироқ, кунларнинг бирида, акаси ошхонага бора туриб уйининг нариги қисмидаги хоналарда сирли ғовур-ғовур товушни эшитиб қоладию дарҳол ўзлари яшаётган уй билан ўша кимлардир эгаллаб олган хоналарни ажратиб турувчи эшикни қулфлаб қўяди. Синглисига калитларни бера туриб:

— Даҳлизнинг эшигини ёпиб қўйишга тўғри келади. У ерни эгаллаб олишибди, — дейди.

Синглиси Ирена ҳам мутлақо ажабланмай бундан буён уйнинг бу қисмида яшайвериш керак, деган таклиф киритади. Оқибат ўша сирли, номаълум кучлар бирин-сирин бошқа хоналарни ҳам эгаллаб олади-да, ака-сингил биров қувиб юборгандек, бошпанасиз қолишади. Ҳикоянинг воқеаси шундан иборат. Унда фикрни чалғитадиган тафсилотлару қаҳрамонларнинг ўтмиши, ўй-кечинмалари тасвирланган эпизодлар йўқ. Аммо қизиғи шундаки, бу ҳикоя ўз вақтида ҳам, ҳозир ҳам турлича фикрлар қўзғайди. Лотин Америкаси мамлакатларидаги мунаққидлар Кортасарнинг «Ишғол қилинган уй» ҳикоясида ўша кезлар Аргентинада ҳукм сурган мустабид тузум тарзда мажозий-киноияли акс этган, деб талқин этадилар. Бу фикрнинг нечоғлик тўғри эканлигини мулоҳаза қилиб кўрган одам осуда ва осойишта умр кечираётган ака-сингилни уйдан ҳайдаб чиқарган жамиятдаги номаълум, шафқатсиз ва бераҳм кучларнинг рамзий маъносини англайди. Бироқ худди шу ҳикоя Европада ўзгача баҳсларга сабаб бўлди. Европа адабиётчилари ҳикояни соф фантастик асар сифатида талқин этадилар. Уларнинг таъкидлашича, ҳикоя замирида бир кунмас бир кун ўзга сайёраликлар мана шундай йўл билан бизнинг планетамизни маҳв этадилар, деган машъум ғоя ётади. Инсоф билан айтганда, илмий фантастика ўта ривожланган минтақада бундай ғоянинг илгари сурилиши ҳам бежиз эмас. Ака-сингилни таъқиб этган ва пировардида уларни уйдан қувиб чиқарган кучларнинг номаълумлиги, сирлилиги ушбу талқиннинг объектив эканини тасдиқлайди.

Совет олимлари, жумладан, И. Тертерян, В. Земсков, Д. Балашовлар эса «Бизнинг фикримизча «Ишғол қилинган уй» яланғоч символикадан қанчалик йироқ бўлса, сиёсий аллегориядан ҳам шунча йироқ. Кортасар фантастикасининг фазилати ўз-ўзидан кўриниб турибди, яъни ҳикоянинг ғояси бу данғиллама уйда умр кечираётган ишламай, қийналмай текинхўрлик билан, яъни ўзгалар меҳнати эвазига (гарчи уларга катта мерос қолган бўлса ҳам) яшаётганларида яширинган. Ҳикоядаги кўринмас кучлар ака-сингил тимсолида одамзоднинг табиат кучлари олдида ожизлигини кўрсатиш учун эмас, балки уларга ўхшаган кимсаларнинг тарихан ҳалокатга маҳкумлигини кўрсатувчи шартли белгидир», деган хулосага келадилар.

Энди фикримни далиллаш учун ўзбек адабиётидан мисол келтирай. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини эслайлик.

Озод Шарафиддинов «Истеъдод жилолари» номли мақоласида «Ўғри» ҳикоясини чиройли таҳлил қилиб, уни «кичик эпик формаларда реализмнинг тантанасини ифодалаган ажойиб намуна бўлиб қолгани»ни ишонарли далиллайди ва ҳикоядан шундай хулоса чиқаради: «Ҳикоянинг бошида «Отнинг ўлими — итнинг байрами» деган мақол келтирилган. Ҳикоянинг сўнгида биз бу мақолнинг маъносини аниқ билиб оламиз. Қобил бобо оғир фожиани бошидан кечирди, бироқ бу фожиа ҳўкизнинг ўғирланишигина эмас. Қобил бобони ҳақиқий фожиага дучор қилганлар — Элликбоши, Амин, тилмоч, приставлар. Улар Қобил бобо устига қузғундек ёпирилиб, сўнгги томчи қонигача сўриб олишади. Улар бу ожиз, нотавон, муштипар одамни мазах қилишади, хўрлашади, тупроққа қоришади, унинг инсонлик қадр-қимматини таҳқирлашади. Қобил бобо эса буни тушунмайди. Унинг фожиаси шунда. Қобилбобонинг аянчли тақдирида ўтмишдаги юз минглаб оддий одамларнинг оғир аҳволи умумлаштирилган».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фикр яхши. Хулоса теран, аммо бу бир нуқтаи назар, холос. Агар ҳикоя шундан бўлак, бундан ўзгачароқ, теранроқ фикрга изн бермас экан, у ҳолда одатдаги дуруст ҳикоялардан фарқи қолмасди.

Умарали Норматов ҳам ҳикояни ўзгача тарзда таҳлил этади ва яна бошқа фикрни ўртага ташлайди. Шунга қарамай, мазкур ҳикояни яна ўзга нигоҳ билан таҳлил қилиш мумкин.

Ҳикоя сарлавҳасини «Ўғри» деб қўйиш билан Абдулла Қаҳҳор кимни назарда тутган, деган савол туғилиши табиий. Чиндан ҳам ким ўғри? Агар юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб жавоб қайтарилса, бу маълум — элликбоши, пристав, ҳоким ўғри, аммо Абдулла Қаҳҳор нима сабабдан бу ўғрилар тўдасини фош этиш баробарида ҳикоя номини «Ўғрилар» деб қўймади. Ўғри билан ўғрилар ўртасида катта фарқ бор. Абдулла Қаҳҳор бунга шунчаки эътибор бермаганми? Бўлиши мумкин эмас. Чунки Абдулла Қаҳҳор ҳар бир детални тарозига солиб, ҳар бир сўзни чамалаб, вазнини ҳис қилиб, ишлатадиган санъаткор. Менимча, ҳикояда яна бошқа бир ўғри бор. Замон ўғрими, бировнинг охирги илинжи — хўкизигача ўғирлаб олиш даражасида тубанлашган?

Менимча, асосий ўғри... Қобил бобо. У ўз юрагидаги шижоатни, кураш туйғусини, зулмга исён руҳини ўғирлаган шахс. У узоқ йиллар давомида муттасил шу иш билан шуғулланиб келган. Шунга кўниккан ва шундан бошқача яшашга ожиз. Нега бўлмасам, ҳикоянинг бирон ерида у норозилик билдирмайди. Ахир ҳар қандай тирик инсонга хос қаршилик кайфиятлари мавжуд-ку. Нега аламзадалик, фиғон унинг хатти-ҳаракатларида сезилмайди. Чунки у — қул. Ўзининг қуллигини англамаган қул. Аммо у бирдан қул бўлмаган. Илгари, ёшлигида, йигитлигида, ниҳоят, катта умидлар билан оила қурган чоқларида унинг фикри-зикри нима билан банд бўлган? Бу руҳий абгорлик, ўзини-ўзи танимаслик даражасигача уни жамият зўрлаб келтирганми? Ундай десак Қобил бобо даврида яшаган, ундан-да фариброқ одамлар-чи, улар нега охир-оқибат зулм-истибдодга қарши қўзғолон кўтаришгача бордилар?

Мана шу саволларга жавоб излаш жараёнида жуда кўп кашфиётларга дуч келиш мумкин. Оддий реалистик ҳикоя инсон ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадалар устига қурилганлиги учун шундай кашфиётлар эшиги очилади.

Маълумки, Қобил бобо сингари одамлар, жамиятга, тараққиётга, элликбоши, мингбоши, приставлардан кўра ўз жабрдийдалиги, хокисорлиги, фариблиги билан кўпроқ зарар келтиради. Эзувчи синф вакилларини ниҳоятда қийинчилик билан бўлмасин, синф сифатида тугатиш мумкин эканини давр амалда исботлади. Зеро, ҳаётга, жўшқин фаолиятга, ўзлигини танишга, қадр-қимматини ҳимоя қилишга ноқобил Қобил боболарни тарбиялаб, онгли гражданларга айлантириш ундан юз карра қийин экани ҳам маълум бўлди. Бироқ бу Қобил бобо ёмон, улардан юз ўгириш керак, элликбошилар яхши деган гап эмас.

Қаерда фаол ҳаёт йўқ экан, ўша ерда турғунлик — чириш бошланади. Муҳаббат йўқ ерни нафрат эгаллаши турган гап.

Токи Қобил боболар мавжуд экан, уларнинг қўрқуви, фариблиги, ожизлиги, зўравонлик, зўрлик идора усулларини ёки шуларга қулай шароит яратади. Мутелик, тобелик, ҳукмдорни, зўравонни

● РЕДАКЦИЯДАН: ●

Олим Отахонов — изланаётган, ўз йўлини топиб олишга уринаётган ёш ёзувчиларимиздан. Унинг тажрибалари жиддий баҳсларга сабаб бўлмаса-да, ҳар қалай, танқидчиларимизнинг назарига тушиб турибди. Олим Отахонов жуда кўп ўқийди, Ватан адабиётининг келажагини ўйлаб кўп қайғуради. Хорижий халқларнинг прогрессив адабиётларига ҳам меҳри баланд. Автор мақолани азбаройи куюниб ёзгани сезилади. У ёзувчиларимизни кўпроқ ўқишга, ўзи тилга олган ажойиб асарлардан тезроқ баҳраманд бўлишга чорлайди. Унинг айни чақириғига қўшилмасдан бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, ёзувчи кўп ўқиши, муайян халқ ёки мамлакат адабиёти ютуқлари билан чекланиб қолмаслиги керак. Айрим ёзувчиларимизнинг Олим Отахонов мақтаган ёзувчиларни ўқимагани рост. Бу — уларнинг айби, деб айтиш анча қийин, лекин, улар ўқишса тузук, деб истак билдириш мумкин.

Олим Отахоновнинг, ўзбек ҳикоячилигида турғунлик ҳукм суряпти, деган фикри анча баҳсли. Ҳикоячилигимизда ўзгаришлар бўляпти. Хусусан, О. Отахоновнинг ўзи ҳам янгича ёзишга интиляпти. У ўзини мақтаб тилга ололмаслиги табиий, лекин автор турғунликни, эскича ёзишни танқид қилар экан, ўзига ўхшаб янгича ёзишга уринаётган бошқа ҳикоянависларнинг номларини тилга олса, уларнинг меҳнатига муносиб баҳо берса зиён қилмасди. Ёки аксинча — ҳикоячиликдаги турғунликка сабаб бўлаётган асарларни чуқур таҳлил этиш, жуда бўлмаганда, уларнинг номларини санаши жоиз эди.

Олим Отахонов бир нарсада ҳақ: ёзувчиларимиз кўпроқ ўрганишлари, алмисоқдан қолган шаблонлардан қочиб, янги шаклларни излаб кўришлари зарур. Лекин айни ҳақли талабдан сўнг олға сурилган таклифларда изчиллик етишмайди. Автор бизга мисол қилиб келтирган андозалар — эстон адабиёти, Лотин Америкаси халқлари адабиёти тўплаган тажрибалар — ўзбек адабиётига тўғри келармикан! Балки биз янги услуб ва шаклларни миллий заминнинг ўзидан излаганимиз маъқулроқдир! Ҳозир тилга тушган барча шаклий янгиликлар аслида эски анъаналарнинг ривожи экани маълум. Дейлик, Лотин Америкасида яратилган ва О. Отахонов тилга олган барча асарлар эски афсона ва чўпчакларни янгича талқин қилиш туфайли вужудга келганини ўша авторларнинг ўзлари ҳам кўп марта таъкид этишган. Модомики шундай экан, биз улардан нусха кўчирсак ўзбек китобхони тушунармикан! Қуруқ тақлиддан қочиб, ўша биз ҳавас қилган ажойиб ёзувчиларнинг ажойиб тажрибасини ижодий қўлласак — миллий оғзаки ва ёзма адабиётнинг энг зўр анъаналарига

www.ziyouz.com kutubxonasi

дунёга келтиради. Қобил бобо образи инсонлик шаъни, номуси ва одамлигини билмаган, худди бунга ҳуқуқи йўқдек, аранг, афтодаҳол мусичадай беозорлиги билан аввал ўзи, қолаверса, атрофидагиларга мутелик, қуллик психологиясини юқтирувчи ожиз одамлар тимсолидир. Қобил боболар кўпайган юртда маданият устидан тупроқ тортилади, инсоннинг шаъни-шавкати хароб қилинади, жаҳолат туғи баланд кўтарилади, ҳар қандай инқилобий кайфият сўнади. Мана энди хулоса чиқарайлик. Ким ўғри — битта ҳўкизни ўғирлаб кетган номаълум одамми ёки ўғирлик баҳонасида куппа-кундузи — ҳамманинг кўз олдида Қобил бобони шилишдан ор қилмаганларми? Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояси анъанавий услубда ёзилганига қарамай, турли-туман фикрлар уйғотишга қодир ва китобхонни чуқур мушоҳида юритишга имкон берадиган асар эканлиги маълум бўлди.

Хўш, кейинги 25 йил ичида яратилган ҳикоялардан қай бири мана шундай кучга эга? Бунга дабдурустдан жавоб бериш қийин. Чунки бундай ҳикоянинг ўзи йўқ. Бу умидсизлик туғдирувчи эътироф эмас, балки бунинг сабабларини излаш, бу ҳақда қайғуриб бирон хулосага келиш керак деганидир. Бир мақолада қандай қилса, нима қилса яхши натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида мулоҳазалар айтиш қийин. Аммо бу муаммога олимлар, ёзувчилар жалб қилинса, баҳс, мунозаралар уюштирилса, умумий жонланишга туртки бўлади деб ўйлайман. Менимча, бу иллатларнинг барчаси бир нарсага — ҳали номаълум бўлган янгиликни излаб топиш масаласига бориб тақалади. Биз осон йўллардан юрмаслигимиз, бой маданий меросимиздан ялқовлик билан фойдаланмаслигимиз зарур. Бу ҳамма нарсадан воз кечиш керак дегани эмас, мутлақо. Балки адабиёт хазинасига ўша авлодлар қўшган бойликлар баробарида ўзимизнинг дурру жавоҳиротни қўшишимиз керак деганидир.

Халқ эртакларининг қаҳрамонлари хазинами, шифобахш гиёҳми, тириклик сувинами излаб йўлга чиққанларида уларнинг олдидан уч йўл келади: борса келар, борса хатар, борса келмас. Зотан, хазинани ҳамиша борса келмасга жўнаган ўғил топади ва муродига етади. Менимча, ўзбек ҳикоячилигидаги муаммоларнинг ҳал қилинишида ёзувчиларимиз энг аввало мана шу эртаклардаги тўнғич фарзандлар сингари янглишмаслиги муқаррар бўлган манзилларга эмас, балки кенжа ўғил сингари хазина яширинган борса келмасдаги йўлга равона бўлишлари лозим. Борса келмасдаги хазина ҳамон кенжа ботирларни кутмоқда.

суянсак, уларни янгича талқин этсак тузукроқ эмасми? Баъзи ёзувчиларимизнинг ўзбек тилида ёзган ҳикоя ёки қиссалари нўноқ таржимага ўхшаб қолаётганининг сабаби ҳам айни қуруқ тақлидда эмасми? Дарвоқе, О. Отахоновнинг мақоласида ҳам росмана ўзбекча сўзлаш тарзи бузилган жойлар учрайди.

Китобхони йўқ айрим авторлар жуда осон йўлга ўтиб олиб: «бизнинг асаримизни тушуниш учун юксак савия керак, ўзбек китобхони ҳали ўша савияга етгани йўқ», деб даъво қилишади. Хўп, майли, улар айтганча бўлсин. Ўзбек китобхонининг савияси ҳали қониқарли эмас, деб тан ола қолайлик. Лекин бир нарсани унутмайликки, ўзбек китобхони — савияси бундайроғи ҳам, савияси ғовлаб кетгани ҳам — фақат ўзи билган, фақат ўзи тушунган воқелик тасвирингина ҳазм эта олади.

Олим Отахонов ортиқча ҳаяжонга берилиб, бўёқларни андак қуюқлаштириб юборгандай туюлади. Ўзбек ҳикоячилигининг бугунги аҳволи у ўйлаганчалик кризис ҳолатида эмас. Жанрнинг орзу этилмиш камолоти ҳақида «борса келмас» деб киноя қилишга ҳам асос йўқ. «Борса келмас» йўлида кўплаб тўсиқлар учрайди, шум кампирлар, оғзидан олов пуркайдиган юз бошли аждарҳолар учрайди. Сарлавҳадаги мажознинг сустлиги шундан ҳам билинадики, ҳеч ким, яхши ёзма, деб ёзувчининг қўлидан тутиб тургани йўқ. Яхши ёзиш учун тўнғичу ўртанчаю кенжа ботир бўлиш ҳам шарт эмас. Ёзувчидан талаб этиладигани — талантли бўлиш, мафкурали бўлиш, халқнинг дардини ёзиш. Унинг обрўси ёшига қараб эмас, ижодига қараб белгиланади.

Олим Отахоновнинг куюнчаклигини қутлаган ҳолда, ибратни четдан излаганига қўшилиб бўлмайди. Айни эътироз туғилишини унинг ўзи ҳам сезган, шу сабабдан, жилла қурса Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида иликроқ сўзлашни лозим топган. Лекин Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясининг «янгича талқини» ўта сунъий, зўраки. Бизнинг фикримизча, ҳикоянинг мақолада зикр этилмиш бошқа бир таҳлили — Озод Шарафиддиновнинг Қобил бобога берган таърифи ҳақиқатга яқин.

Ижод изланишсиз бўлмайди. Бу борада О. Отахонов ҳақ. Лекин кўп нарса айни изланишларнинг қай йўналишда бўлишига боғлиқ.

Мақола мунозара тарзида босилди. Энди ўзбек ҳикоячилигининг бугунги аҳволи, қийинчиликлари, ютуқ ва камчиликлари, энг муҳими — унинг келажаги ҳақида ёзувчиларнинг, танқидчиларнинг ва китобхонларнинг фикрларини билишни истаймиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi